DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-84 Pages: 728-735

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



INTERPRETATION OF THE IMAGE OF WOMEN IN THE FRAMEWORK OF NATIONAL TRADITIONS
(On the example of the stories of Ghada al-Samman and Zulfiya Kurolboy kizi)

Dilafruz S. Abdullaeva
Senior teacher, PhD in Philology
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
E-mail: d.abdullaeva88@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

Latofat S. Utkirova
Teacher
Department of oriental languages
Oriental University
Email: latofatutkirova@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: character, hero, female image, depiction of psychology, artistic psychologism, modern Arabic literature, modern Uzbek literature, stories.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The purpose of this article is to study the interpretation of the image and psychology of a woman within the framework of Eastern national traditions in the works of the Syrian-Lebanese writer Ghada al-Samman and the Uzbek writer Zulfiya Kurolboy kizi, who are currently actively working and are leading writers of their time in national literature. We tried to reveal a number of elements of artistic and psychological analysis in it and to link these trends with factors that are becoming increasingly dominant in modern world prose.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ҚОБИҒИДАГИ АЁЛ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ
(Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари мисолида)

Дилафруз С. Абдуллаева
Катта ўқитувчи, PhD
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети

E-mail: d.abdullaeva88@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

Латофат С.Ўткирова
Ўқитувчи
Шарқ тиллари кафедраси
Ориентал университети
Email: latofatutkirova@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: персонаж, қаҳрамон, аёл тасвири, сиймоси, руҳият тасвири, бадиий психологизм, замонавий араб адабиёти, замонавий ўзбек адабиёти, ҳикоялар.

Аннотация: Ушбу мақола доираси бугунги кунда самарали ижод қилиб келаётган, миллий адабиётида ўз даврининг пешқадам ижодкорларидан бўлган Сурия-Ливан адибаси Ғада ас-Самман ва ҳамда ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи ижодида Шарқ миллий анъаналари қобиғидаги аёллар образи ҳамда руҳиятининг талқини тадқиқ этилган. Унда қатор бадиий, руҳий таҳлил элементларини кашф этишга ва бу тенденцияларнинг ҳозирги замон жаҳон насрчилигида етакчи бўлиб бораётган омиллар билан боғлашга ҳаракат қилдик.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЖЕНЩИНЫ В РАМКАХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ТРАДИЦИЙ
(На примере рассказов Гады ас-Самман и Зульфии Куролбой кизи)

Дилафруз С. Абдуллаева
Старший преподователь, PhD
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
E-mail: d.abdullaeva88@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

Латофат С. Уткирова
Преподаватель
Кафедра восточных языков
Университет Ориентал
Email: latofatutkirova@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: персонаж, герой, женский образ, облик, изображение психологии, художественный психологизм, современная арабская литература, современная узбекская литература, рассказы.

Аннотация: Целью данной статьи является изучение интерпретации образа и психологии женщины в рамках восточных национальных традиций в творчестве сирийско-ливанской писательницы Гады ас-Самман и узбекской писательницы Зульфии Куролбой кизи, которые на сегодняшний день активно работают и

являются ведущими писательницами своего времени в национальной литературе. Мы попытались раскрыть в нем ряд элементов художественного и психологического анализа и связать эти тенденции с факторами, которые становятся все более доминирующими в современной мировой прозе.

Kirish. Бугунги глобаллашув жараёнида аёллар адабиёти - жаҳон адабий жараёнларида етакчи позициялардан бирини эгаллаб келмоқда. Аёллар адабиёти, хусусан, аёллар насри ижтимоий эҳтиёжларни шакллантирувчи, оила ва никоҳнинг ижтимоий ва психологик саволларига жавоб беришга қодир адабиёт сифатида ўзини намоён қилмоқда. Замонавий араб ва ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилалари Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижоди - ҳозирги кун адабиётшунослик майдонида ўта долзарб бўлиб бораётган психологик тасвир ва услуб йўналиши кенг китобхонлар оммаси ҳамда адабиётшунослар томонидан алоҳида диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бу икки адибанинг насри, хусусан, ҳикоячилиги турли ижтимоий-сиёсий вазиятлар муҳити ва воқелигида яратилганлиги билан характерлидир. Турли муҳитларда шаклланган ва ижод қилган икки адибанинг айнан психологик тасвир йўлини ўз ижодининг бош йўналиши қилиб олганликлари эътиборга моликдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Миллий анъаналар қобиғидаги аёллар образи ҳамда руҳияти талқинини қиёсий-типологик, биографик, руҳий таҳлил методлари орқали тадқиқ этишда Ғада ас-Самманнинг “Оққуш пари”, “Охирги куш кўрикчилари”, “Деразамдан мўралайди тонг”, “Ўттиз йиллик арилар”, “Мушукнинг бошини олиб ташла” ҳамда Зулфия Куролбой қизининг «Тўхтаб қолган вакт сувратлари”, “Изтироб”, “Ҳилола” каби ҳикояларига мурожаат қилинди.

Натижалар. Ҳар икки ёзувчи ижодида феминистик қарашлар алоҳида бўртиб туради. Хусусан, уларнинг ҳикояларида муаллиф томонидан “ҳимояга олинган аёл” образлари нафақат ўзига хослиги билан, балқи уларнинг жамиятдаги ўрнини ёзувчи томонидан аниқ тасвирлаб берилганлиги билан ҳам аҳамиятга молик. Бу борада Ғада ас-Самман умумараб, Зулфия Қуролбой қизи эса Марказий Осиё жамияти қарашларидан келиб чиққан холда ёндашса-да, асарларда “ҳимояга олинган аёл” концепти, кўтарилган ғоялар ва муаллифларнинг мақсади муштаракдир. Шу вақтга қадар ёзилган бадиий асарларда аёллар гўзал, меҳрибон, сабрли, меҳнаткаш ва оила чироғи рамзи бўлиб талқин этилган бўлса, Ғада ас Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи яратган аёл образлари ўзининг хур фикрлилиги, кенг дунёқараши, шижоати ва қатъиятлилиги билан ажралиб туриши бадиий таҳлиллар орқали кўрсатилди. (Abdullayeva, 2024, p. 118)

Шарқ адабиётини кузатар эканмиз, унда гавдалантирилаётган аёл образлари албатта оила ва миллий қадриятлар марказида ҳаракатланади. Сабаби, Шарқда оила институти ва миллий қадриятлар масаласи доимо етакчилик қилган. Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижоди ва улар яратган аёллар тимсоли ҳам бундан мустасно эмас. Иккала ёзувчи ижодидаги муштараклик шундаки, улар яратган аёл персонажлар оиласи, унинг бутунлиги ва мустаҳкамлиги йўлида ҳар нарсага тайёр бўлса, оиласиз, ёлғиз ёинки турмуш қуришга ҳали улгурмаган персонажлар ҳам доимо оила сари интилади. Масалан, Ғада ас-Самманнинг “Оққуш пари” (Bilyk, 2020, p. 180) ҳикояси бош қаҳрамони бўлган аёл (асарда исми келтирилмаган, бу ҳам муаллиф услубига киради) мусофир юртда ўз оиласини, унинг фаровонлигини сақлаб қолиш мақсадида елкасига катта масъулиятни олади – гарчи Ливандаги тўқис ҳаёти давомида бир умр уй бекаси бўлиб яшаган бўлсада, Францияга келиб мухожирлик қийинчиликлари билан бир қаторда ўз мутахассислиги бўйича инженер-дизайнер сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. Оиласи, фарзандлари келажаги ҳақидаги масъулият унга катта куч бағишлайди. Турмуш ўртоғи, Ливанлик бизнесмен инқирозга учраб, тушкунликка тушиб, уйдан чиқолмай қолади, аёл бир ўзи оиласини боқишга мажбур бўлади. Европадаги аёлларга нисбатан берилган эркинликлар, тенг ҳуқуқлилик натижасида муваффақиятли карьера қуришга эришади.

Адибанинг “Охирги қуш қўриқчилари” ҳикояси қаҳрамони рассом аёл ҳам ўз оиласини сақлаб қолишга аҳд қилади. Унинг оиласи ҳамма ҳавас қиладиган зиёли оила (турмуш ўртоғи судья, аёли рассом) бўлишига қарамасдан, уларнинг катта бахтсизлиги бефарзандлик эди. Аёл фарзанд кўриш орзусида врач кўригидан ўтиш, муолажа олиш каби ишлардан ортмайди, у ўзини турмуш ўртоғининг олдида оиладаги бахтсизлик сабабчиси деб ҳисоблайди: унинг назарида эри соғлом, ҳамма айб ўзида эди. Аммо сўнгги текширувлар бунинг аксини исботлайди – аёл мутлақ соғлом эканлиги маълум бўлади. Аммо оиласи ва унинг тўкислиги, шунингдек турмуш ўртоғининг кўнглини ўйлаб, бу текширув натижаларини эрига маълум қилмайди.

Ғада ас-Самман қаламига мансуб “Деразамдан мўралайди тонг” ҳикоясида Оналик бахтини Аёллик бахтидан устун қўйган аёл образи гавдалантирилган. Асар бош қаҳрамони – ёш болалари кўп она, ўз фарзандларини еру кўкка ишонмайди, уларинг саломатлиги ва тинчлиги йўлидан ўзидан кечишга ҳам тайёр бўлади. Аёл биринчи фарзанди Мазеннинг вафотидан сўнг каттиқ қўрқиб қолади, шу сабаб қолган фарзандларига эътибори кучайиб, уларни бир зум ёлғиз қолдиргани қўрқади. Ҳикоя давомида ўқувчи кўз ўнгида оналик меҳри, фарзандлари саломатлиги ва хавфсизлигини ҳамма нарсадан устун қўядиган, ўз бахтини фарзандлари иқболида кўрувчи типик Шарқ аёли образи гавдаланади.

Ғада ас-Самманнинг яна бир аёл образи “Ўттиз йиллик арилар” (“ثلاثون عاما من النحل”) ҳикояси қаҳрамони Рим бўлиб, унинг қисмати Зулфия Қуролбой қизининг «Тўхтаб қолган вақт сувратлари” ҳикоясидаги Маликани эслатади. Рим юксак истеъдод соҳибаси, маҳоратли, қалами ўткир ёш шоира бўлади. Аммо турмушга чиққанидан сўнг, эри унга шеър ёзишни таъқиқлаб, фақат оиласи ва фарзандлари тарбияси билан машғул бўлишликни талаб қилади. Аёл турмуш ўртоғининг хоҳишига қарши бормай, оиласи фаровонлиги ва тинчлиги йўлида шеър ёзишдан воз кечади. Аммо ўттиз йиллик оилавий ҳаёти давомида “мудом ғизиллайдиган арилар тўдаси унинг қалбини ич-ичидан тирнайди, найза санчади”. Мазкур ҳикояда муаллиф Ғада ас-Самманнинг бадиий маҳорати юқори даражада намоён бўлган – асар магик реализм ҳамда психологик реализм услублари кесишмасида яратилган бўлиб, ари – ҳис-туйғулари ва хоҳиш-истаклари поймол этилган аёл рамзи бўлиб, асар авж нуқтасида аёлнинг ичини чақаётган арилар тўдаси унинг оғзидан чиқиб келиб, эрини қуршаб олишади ва ҳар томонда талаб кетишади.

Ғада ас-Самман наздида оила бу – барча ҳуқуқ ва эркинликлар фақат бир инсон (эркак)га берилиб, иккинчиси (аёл)нинг эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум бўладиган жараён эмас, балки икки инсон – аёл ва эркакка тенг ҳуқуқ ва имтиёзлар асосида биргаликда бахтли бўлиш имкониятини берадиган маскан деб билади. Адиба ўз асарларида аёл ва унинг оиладаги мавқеи ҳақида ёзар экан, доимо ўзининг феминистик принципларига содиқ қолади. Унинг қаҳрамонлари ўқимишли ва зиёли аёллар бўлиб, ўз эркинлигида оқилона фойдаланади.

Зулфия Қуролбой қизининг ижодида ҳам аёл тимсоли оила ва миллий қадрият масалаларини очиб беришда асосий қиёфа бўлиб хизмат қилади.

Муаллифнинг “Изтироб” номли ҳикоясида ўз умрини, ўз соғлигини умр йўлдошига бағишлаган, врачлар таъқиқига қарамасдан унга ўғил туғиб бериш орзусида олдима-кетин 7 нафар қизни дунёни келтириб, пировардида ногиронлик аравачисига михланиб қолган бир аёл қисмати тасвирланган. Ҳикоянинг аввалида асар қаҳрамонлари Фазилат ва унинг умр йўлдоши Абдумўминнинг тоза, пок ва самимий муҳаббатлари билан йўғрилган оилавий ҳаётлари хар қандай ўқувчининг ҳам ҳавасини келтиргулик даражасида моҳирона тасвирланган. Аммо Фазилатнинг ногирон бўлиб қолганидан сўнг бошидан кечирган руҳий азоблари, Абдумўминнинг эса рафиқасини оғир дамларда қўллаб-қувватлаш, унга мадад бўлиш, икки оғиз ширин сўз айтиш ўрнига – ундан узоқлашиши, боз устига Зулхумор исмли аёл билан 6 йилдан бери давом этиб келаётган ишқий муносабатларининг фош бўлиши Фазилатнинг буткул руҳий инқирозига дучор бўлишига сабаб бўлади.

Зулфия Қуролбой қизи ўз асарларида аёллар ва жамият муаммоларини кўтарар экан, ушбу ҳикоясида шарқона менталитетга хос бўлган, ўғил фарзандга бўлган ижобий

муносабат ва айни дамда қиз фарзандга нисбатан бўлган ношукурчилик иллатлари қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб берган. Ҳикоя қаҳрамони врачлар таъқиқига қарамасдан, натижасини ўйламасдан, умр йўлдошининг орзусини рўёбга чиқариш учун еттинчи фарзандини ҳам дунёга келтириши ва оқибатда бир умрга ногирон бўлиб қолиши – оиласининг пароканда бўлиб кетишига сабаб бўлди. Ҳикоядаги кўтарилган муаммолар билан адиба – аёл киши ва унинг саломатлиги – авваламбор оиласининг соғломлиги, тотувлиги, фарзандларининг келажаги гарови эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Асарнинг бош ғояси ўз саломатлигига бефарқ аёл, аслида ўз тақдирига бефарқ эканлигини ҳақидаги ғояни илгари суради.

Мазкур ҳикоя орқали адиба бугунги кун жамиятимиз муаммоларини тасвирлар экан, давлатимизнинг аёллар ва оналар саломатлиги, уларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари борасидаги олиб бораётган сиёсатини маъқуллаган холда, аёлларни жамиятимиздаги турли ёзилмаган қонуниятларини тўлиқ адо этаман деб ўзлигидан кечиб, саломатлигидан айрилиш, “одамлар нима деркин” дея ўзини-ўзи адо қилишликдан қайтармокчи бўлади. Муаллиф асар қаҳрамони – Фазилатнинг аччиқ қисмати мисолида жамиятимиз аъзоларини ҳар бир қарорни қабул қилишдан аввал унинг натижасини яхшилаб ўйлаб кўришликка чорлайди, аёл ва унинг тақдири, саломатлиги – оиланинг фаровонлиги, бирдамлиги ҳамда фарзандлар келажагининг устуни эканлигини таъкидлайди.

Муаллифнинг “Изтироб” ҳикоясида тасвирлангани каби, оила қуриш ва оилавий бахтга эришиш орзусида ўз саломатлигидан воз кечиш ва бунинг трагик оқибатлари баён этилган “Ҳилола” ҳамда “Ёзсиз йил” (Nomatov, 2010, p. 1) ҳикоялари диссерциянинг аваалги бобларида таҳлилга олинган эди. Мазкур ҳикоядаги Ҳилола ҳамда Собир образлари ўзининг бедаво дардга чалинганидан хабардор бўлсада, оила қуриш ниятидан воз кечмайдилар. Шарқ халқлари орасида оила институти шу қадар ривожланганки, шахсни бахтли ҳаётга элтувчи ягона йўл фақат оила орқали деб қабул қилинган. “Ҳилола” ҳикоясининг бош қаҳрамонига эса бу бахт орзуси қимматга тушади – гемофилия (суюқ қон) касалига чалинган Ҳилола тўйдан кўп ўтмай вафот этади.

Адибалар ижодини қиёслар эканмиз, иккала муаллиф ижодида маиший ҳаёт, миллий оилавий қадриятлар марказига олиб чиқилиб, тасвирланаётган аёллар руҳияти образи масалалари билан бир қаторда, этнофольклористик образларга ҳам мурожаат қилинган. Шарқда мавжуд қайнона ва келин образлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари аёл образи ва унинг руҳий оламини очиб беришда алоҳида аҳамиятга эга.

Муаллифнинг “Изтироб” ҳикоясида тасвирлангани каби, оила қуриш ва оилавий бахтга эришиш орзусида ўз саломатлигидан воз кечиш ва бунинг трагик оқибатлари баёни

“Ҳилола” ҳамда “Ёзсиз йил” (Normatov, 2010, p. 1) ҳикояларида келтирилган. Мазкур ҳикоядаги Ҳилола ҳамда Собир образлари ўзининг бедаво дардга чалинганидан хабардор бўлсада, оила қуриш ниятидан воз кечмайдилар. Чунки улар яшаётган жамиятда шахсни бахтли ҳаётга элтувчи ягона йўл фақат оила орқали деб қабул қилинган. “Ҳилола” ҳикоясининг бош қаҳрамонига эса бу бахт орзуси қимматга тушади – гемофилия (суюқ қон) касалига чалинган Ҳилола тўйдан кўп ўтмай вафот этади.

Ғада ас-Самманнинг “Мушукнинг бошини олиб ташла” ҳикоясида она ўз ўғлига яхши келин қандай бўлишини шундай маҳорат билан таърифлайдики, муаллиф унда Шарқда келинга қўйиладиган талабларнинг барини мужассам қилади:

عروس نادرة يا إبني، لها فم يأكل و ليس لها فم يحكي. ما قبَّلَ فمها غير أمها. لا تغادر البست دونما استئذانك إلا قبرها لا تلد إلا الصبيان. خادمة في النهار و جارية في الليل. خاتم في اصبعك تديره كما تشاء و تخلعه حين تشاء و إذا فركته قال لك شبيك لبيك عبديك بين يديك

Ноёб келин, ўғлим, овқат ейдиган оғзи бору, аммо гапирадиган оғзи бўлмайди. Уни лабидан онасидан бошқа ҳеч ким ўпмаган. Хатто либосини хам Сенинг рухсатинг билан алмаштиради, қабрдан бошқа вақт албатта. У фақат ўғил фарзанд дунёга келтиради. Кундузи ҳам сени чўринг, тунда ҳам. У бамисоли қўлингдаги узук, истаган томонинга бурасан, истасанг ечиб куясан, агар силаб куйсанг – бир умр сенинг қулинг бўлади. (Ghada al-Samman, 1994, p 8)

Мазкур парчада қайнона ўз ўғлига бўлажак келинга қўйиладиган талабалар билан бир қаторда, унга нисбатан бўладиган муносабатни ҳам таърифлаб, уктириб ўтар экан, бу даражага эришиш йўлларини ҳам таъкидлаб кетади:

و لكن من المهم أن تقطع رأس القط على عتبة البيت ليلة العروس، أمام عينيها، فتفهم أن مصيرها كمصيره إذا لم تطعك!

Ва энг муҳими, никоҳ кечаси остонадан кираётган келиннинг олдида мушукни бошини танасидан олиб ташлаш лозим, токи агар сенга бўйсунмаса, уни ҳам шундай қисмат кутаётганини билсин. (Ghada al-Samman, 1994, p 8)

Юқоридаги сўзлар орқали адиба “قطع رأس القط من ليلة العرس” – “Никоҳ кечасида мушукни бошини олиб ташла” деган араб мақолига ишора қилган холда, келинга бундай муносабат машҳур араб мақоли каби қадимдан бери халқ орасида анъана сифатида давом этиб келаётганига ишора қилади.

Шарқ қадриятларига сингиб кетган қайнона ва келин муносабатлари ўзбек адибаси Зулфия Куролбой қизи асарларида ҳам ўз аксини топган. Адибанинг қатор ҳикоялари шу мавзуга бағишланган бўлиб, “Келин”, «Тўхтаб қолган вақтувратлари”, “Рашк” каби ҳикоялари персонажлари ичида келин образи алоҳида эътиборни тортади. Мазкур ҳикоялардаги Холдор келин, Малика, Норбуви, Хосият каби образлар мисолида оила ва

рўзғор ташвишида ўзининг аёллик латофати, назокатини вақт сайин йўқотиб бораётган ўзбек аёллари тимсоли тасвирланган. Адибанинг бу каби асарларида айрим ўзбек оилаларида қизларнинг келинлик статусига ўтганидан сўнг, ўз эркинлиги, хоҳиш-истакларидан воз кечишга мажбур бўлишини, эр ва унинг яқин қариндошларининг келинларга нисбатан ўз мулкига қарагандай муносабатда бўлиши, келинлар зиммасига оила ва рўзғорнинг сон-саноқсиз мажбуриятлари юклатилиши ва бирорта ҳам имтиёзга эга эмаслиги баён этилган. Ёзувчи аёлларнинг бундайин қисматини, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини чекловчи, аёлнинг нозик елкасига турмушнинг оғир машаққатларини юкловчи миллий анъана ва қадриятларимизни ўз асарларида танқидий ифодалар экан, беихтиёр аёлларнинг эркинлиги, ҳурфикрлилиги, мустақиллиги каби масалалар долзарб эканлигини эслатиб ўтади, фикримизча. Бу каби асарларнинг яратилиши эса Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий ва сиёсий жабҳадаги ўзгаришлар, хусусан, Гендер тенглик сиёсатининг бадиий адабиётдаги ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdullaeva, Dilafruz. (2024). Artistic psychologism in modern Arab and Uzbek stories. Zamonaviy arab va oʻzbek hikoyalarida badiiy psixologizm. - Tashkent: Donishmand ziyosi, – 136 p. (in Uzbek)

2. Bilyk I.E., Kuznetsov V.A. (2020). Cross-cultural oasis: current trends in the development of Arabic philology in Russia. Kross-kulturniy oazis: aktualnie tendensii razvitiya arabskoy filologii v Rossii/. M.: Institute of Oriental Studies of the Russian Academy of Sciences,. , – 256 p. (in Russian)

3. Esin, A. B. (2011).Psychologism of Russian classical literature: a tutorial / A.B. Remember - M.: Flinta: Science, - 163 p. (in Russian)

4. Saidova N.M. Features of the development of the Saudi realistic story in the second half of the twentieth century. Osobennosti razvitiya saudovskogo realisticheskogo rasskaza vo vtoroy polovine XX veka. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Germany, 2021. - 365p

5. Ghada al-Samman. (1994.) The Square Moon: Supernatural tales. Al Qamar Al Murabah: Qisas Al Gharaaibiyah. Beirut, Manshuraat Ghada al-Samman. – 228 p. (in Arabic)

6. Ginzburg, L. Ya. (2016).On psychological prose. O psixologicheskoy proze. On a literary hero. St. Petersburg: Alphabet, – 449 p. (in Russian)

7. Mutalova, G.S. (2020). Heroes of Arab tribal legends "Ayyam al-arab". Eastern Torch, 1, (1) 28-40. retrieved from https://inlibrary.uz/php/eastern-torch/article/view/13262

8. Nomatov U. A beautiful soul. Qalbdagi benazir ziyo. 2010, http://normatov31.narod.ru/maqola/qbz.html – (in Uzbek)

9. Zulfiya Kurolboy kizi. (2012).Ancient song. Qadimiy qo'shiq. - T.: - Uzbekistan NMIU, – 325 p. (in Uzbek)